Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 5-mart, payshanba, № 30 (3535)

Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз — биз учун ота-боболаримиздан ибратли меросдир.

Ислом КАРИМОВ

Наврўз — 2015

Тошкент шаҳрида Наврўз ярмаркалари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳар деҳқон бозорларини тартибга солиш, санитария ҳолатини яхшилаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархини барқарор сақлашни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар режаси асосида ташкил этилган ушбу ярмаркалар 5 апрелга қадар давом этади.

БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАЛАРИ

«Сергели деҳқон бозори»да юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар харидорларга тақдим этилаётир. «Агромир», «Delight-neo», «Мастер глобал плюс», «Ином ойл-бизнес барака» масъулияти чекланган жамиятлари, «Янгийўл сут» хусусий фирмаси каби корхоналар сархил маҳсулотлари билан бозор файзини янада оширмоқда.

— Умумхалқ байрамлари арафасида ташкил этиладиган анъанавий ярмаркалар биз, кексаларнинг кўнглимизни кўтармоқда, — дейди пенсионер Аҳрор Бекмуродов. — Ишлаб чиқарувчининг ўзидан маҳсулотларни харид қилганга нима етсин?! Шу кунларда сут, қатиқ ва кўкатларга эҳтиёжимиз баланд. Улар бозорларда мўл-кўл.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзвиносаноатхолдинг» компаниялари тизимидаги корхоналар ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада маҳсулотларни кенг ассортиментда етказиб бериш таъминланган.

Суратларда: «Сергели деҳқон бозори»да.

ЎзА фотомухбири Отабек МИРСОАТОВ олган суратлар

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЎзА мухбири мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик мутахассислар, экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Прем АҲЛУВАЛИА, Тинч океани минтақаси ёзувчилари саёҳати уюшмаси вакили, Жанубий Осиё мамлакатлари хотин-қизлари институти директори (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар хотин-қизларга ўз бизнесини очиб, оиласи, эл-юрти учун фойда келтириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини бераётир.

Мамлакатингизга саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Юртингизга келиб, бу ердаги очиққўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Сайёҳликнинг тарихий ва маданий йўналишларини хуш кўраман. Шу боис дунёга машҳур Самарқанд ва Бухорони, у ердаги бебаҳо меъморий обидаларни кўриш, урф-одат ва анъаналарингиз билан танишиш имконига эга бўлганимдан қувончим чексиз.

Сэфра ХАЛЛИБЭРТОН, тренер (АҚШ):

— Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интилмоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминида етишиб чиққан олиму фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё аҳли эътироф этади. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг маҳсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос ворисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Ўзбекистонда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавасим келди. Юртингизда бадиий гимнастика жадал ривожланмоқда. Бу хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Радха КРИШНАН, Ганди мемориал жамғармаси раиси (Малайзия):

— Ўзбекистон хотин-қизларининг билим ва салоҳияти жуда юқори. Мамлакатингизда уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини ривожлантириш, илғор ғояларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Давлатингиз томонидан аёлларни эъзозлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган эътиборга ҳавасим келди.

Мамлакатингизга ҳар гал келганимда барча соҳаларда, хусусан, таълимда эришилаётган муваффақиятлардан ҳайратланаман ва қувонаман. Айниқса, юртингизда чет тилларини ўрганишга қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатингиз ёшлари кўплаб хорижий тилларда, хусусан, инглиз тилида эркин сўзлаётгани эътиборга сазовор. Ўзбекистонда инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилгани мамлакат эртасини ўйлаб, ёш авлод камолотини таъминлаш йўлида амалга оширилган жуда катта ишлардан ҳисобланади.

Мария Людовика ЛЕАЛИ, “Европа хотин-қизлари лоббиси” ташкилотининг Италиядаги бўлими бош котиби:

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан бирга, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун камида 30 фоизлик квота белгилангани, мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар аъзолари сафида хотин-қизлар кўпайиб бораётгани эътиборга молик.

Начо ПЕРЕЗ, тадбиркор (Испания):

— Тошкентга хизмат сафари билан келдим. Ўзбекистонда Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланишидан хабарим бор. Байрам яқинлашиб келаётгани ҳар қадамда сезилиб турибди. Шаҳрингиз дўконлари аёллар учун махсус безатилган, турли хил совғалар, гулларга тўла. Эркакларнинг ҳозирданоқ оналари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи ва қизлари учун совға харид қилаётганини кўриб, қувонасан киши. Буларнинг барчаси мамлакатингизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибордан, ҳурмат ва эъзоздан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон хотин-қизларини яқинлашиб келаётган айём билан муборакбод этаман. Уларга оилавий бахт ва улкан муваффақиятлар тилайман.

ЎзА мухбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Юрт қалқонлари

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шу кунларда жойларда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган аскарларни тақдирлаш ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларини топшириш тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

МУҚАДДАС БУРЧ

Улардан бири Қорақалпоғистон Республикасидаги Нукус гарнизони офицерлар уйида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Ибрагимова, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси У.Жалменов, Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги раҳбарлари, ҳарбий прокуратура масъул ходимлари ҳамда 400 нафардан зиёд ҳарбий хизматчи иштирок этди.

Тадбирда хизмат бурчини бажариш вақтида ўзининг хулқ-атвори, билим даражаси, фаоллиги ва ҳарбий хизматни намунали ўтагани учун 220 нафар ҳарбий хизматчига ҳарбий қисм қўмондонлигининг олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалари топширилди. Федерация Кенгаши томонидан уларнинг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларининг 22-жилди — «Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар — биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир» китоби совға қилинди.

●●●○●●▶ 4

▽29 март — Сайлов куни

АКМАЛ САИДОВНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 4 март куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Я.Аллаёров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Пардаев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, миллий ўзликни англаш, Ўзбекистон тарихини холислик тамойилларига асосланган тарзда узлуксиз ва тизимли ўрганиш, юртимиздаги маданий ёдгорликлар, шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ҳ.Маҳкамова, партиянинг Тайлоқ тумани кенгаши раиси Ш.Беҳбудов, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жомбой тумани кенгаши раиси З.Отамуродова ва бошқалар номзоднинг дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни кўппартиявийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда халқаро демократик тамойилларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам миллий сайлов қонунчилиги яратилганининг тасдиғи эканини қайд этди.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

Сайловларнинг юқори савияда, демократик тамойиллар асосида ўтишида сайлов участкаларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва улар ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинарда фуқароларнинг жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда иштироки, ҳуқуқлари, сайловлар бўйича халқаро нормалар, хорижий тажрибалар, мамлакатимизда мустаҳкам миллий сайлов қонунчилиги шаклланган хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг мазмунмоҳияти, сайлов бюллетенларини олиш ва уларни имзолаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятда ташкил этилган 333 сайлов участкасида ушбу муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик қизғин давом эттирилиб, сайловчилар учун барча шароит яратилмоқда.

Н.РАҲИМОВ, ЎзА мухбири

Туҳфа

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоятидаги тармоқ кенгашлари томонидан таълим соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийларга бепул йўлланмалар берилди. Вилоятдаги “Чимён” сиҳатгоҳига йўл олган 100 нафар фахрийнинг мароқли дам олиши учун барча шароит яратилади.

ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

— Санаторийда кексаларимизга турли маданий-марифий дастурлар намойиш этилади, — дейди тармоқнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова. — Мустақилликка бағишланган “Шукрона” филми билан бошланадиган дастурларимиз спорт мусобақалари, яъни шахмат ва шашка баҳслари билан давом эттирилади. Ғолибларга касаба уюшма совғалари улашилади.

Шунингдек, тармоқ вакиллари томонидан Наврўз байрамига бағишлаб, “Касаба сайр” шўъба корхонаси билан ҳамкорликда 44 нафар фахрийни Тошкент, Самарқанд ва Бухоро йўналиши бўйича саёҳатга олиб бориш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

▽Қишлоқда йилбоши

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚЎЛЛАР

Яратгандан юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўрайди

...Бодомга ҳавас қилиб ўрик гуллаган. Қўклам ёмғири дашту далаларга яшил гилам тўшаб, болаларнинг қийқириғига эш қўй-қўзиларнинг бараши кўнгилларга кенглик бахш этган.

Изиллоқнинг адоғидан шарқираб оқаётган Тагисарой ариғи бўйида уч-тўрт ёш йигит ер ковлаётгани қўшни лолазорликларга ҳам кўриниб туради. Толмас тегирмончи пешонасига қўлини қўйиб, узоқ тикилди, тин олди: «Изиллоқликлар йилбоши сайлини бошлабди-да. Бизникилар нега ҳалигача жим?», дея хаёлидан ўтказди ва ўз ҳамқишлоқларини койиган бўлди...

Ер ковлаётганлар қатори кенгайиб, ўтин ёришга тушганидан аён бўлдики, улар ўчоқ қазишаётган экан. Қишлоқдан икки-уч одам бўлиб келаётганларга болалар ҳам эргашган, «ҳа» дегунча қишлоқ аҳли жам бўлди.

Тол чўпдан от минган болалардан бири «тулпорини кишнатиб» чопиб кетди. Ортидан иккинчи, учинчиси «бедовини» чоптирди. Кўз очиб юмгунча қиши билан эгнидан ташламай келган иссиқ чопони улоққа айланди.

Ўчоқ бошидаги ошпазлардан бири қурбонлик қилинган жонлиқнинг қулоғини мўйлови сабза урган ўсмирлар томон «Қулоқчўзма», дея отиб юборди. Бу томошани қаранг! Бири қулоқни олиб қочган, қолганлар унинг ортидан қувган. Ким етса, қочганнинг қулоғидан тортади — токи қулоқни ерга ташламагунча. «Қулоқчўзма»га ташланган қулоқ энг чаққон, энг чопқир ўсмирнинг қўлида қолади. Ғолибни эл тақдирлайди. Қўлни дуога очиб қутлайди.

●●●●○●▶ 5

2015-yil 5-mart, payshanba, № 30 (3535), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Уни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси У.Аҳмедов олиб борди.

ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Ўтган беш йиллик фаолият бўйича қўмита раиси Э.Саидов ҳамда тафтиш комиссияси раиси Ш.Каримовнинг ҳисоботлари тингланди. Мазкур даврда олиб борилган фаолият қониқарли баҳоланиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилиб, А.Маматкаримов касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди.

***

Вилоят Божхона бошқармасида жамоа шартномасининг 2014 йилдаги ижроси ҳамда касаба уюшма ташкилотининг 2010 йил март ойидан 2015 йил феврал ойигача фаолиятига бағишланган ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамоа шартномасининг ўтган йилдаги бажарилиши бўйича вилоят Божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Авезов ва касаба уюшма қўмитаси раиси О.Маматовларнинг ҳисоботи тингланди.

2015-2017 йилларга тузилган жамоа шартномаси лойиҳаси ўқиб эшиттирилди ҳамда ушбу шартнома иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат сифатида иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шундан сўнг касаба уюшма қўмитаси раиси О.Маматовнинг 5 йиллик фаолиятга оид ҳисоботи тингланди. Сўзга чиққанлар касаба уюшма фаолиятини ижобий баҳолашди.

Қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

***

«Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Мажлис бошланишида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Абдуҳалил Раҳмонов тантанали суратда 10 нафар ёшга аъзолик билетларини топширди.

Шундан сўнг касаба уюшма ташкилотининг раиси Бахтиёр Холмирзаев амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

— «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, бошланғич ташкилот 2012 йилда тузилганлиги учун ҳам, шу йиллар мобайнидаги фаолиятимизга тўхталиб ўтмоқчиман, — деди у. — 2012-2014 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг ижроси маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти томонидан изчил назоратга олинди. Турли байрамларда рағбатлантириш йўлга қўйилди. Ҳисобот даврида 27 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Аъзоларни соғломлаштириш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилиб, 12 нафар киши санаторийларда, 42 нафар ишчи-хизматчи санаторий-профилакторийда даволанди.

— Бошланғич ташкилот тузилгач, жамоамизда ижодий муҳит ўзгарди, — дейди директор Қудрат Болтаев. — Ишчи-хизматчиларимиз санаторийга борадиган, болаларимиз эса соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириладиган бўлди. Лекин ҳали маъмурият ҳамда касабақўм олдида ечилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. Ишончим комилки, бошланғич ташкилот билан ҳамкорликда бу муаммоларга ҳам ечим топилади.

— Меҳнат муҳофазаси жиддий муносабатни тақозо этади, — дейди меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис Ольга Пенькина. — Айниқса, цирк артистларининг меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Юқори касаба уюшма ташкилотлари цирк жамоаларида меҳнат муҳофазасига оид қўлланмани ишлаб чиқишимизга ёрдам кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Якунда аъзолар касаба уюшма ташкилоти фаолиятини қониқарли деб баҳолашди.

Бахтиёр Холмирзаев «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири

***

«Биокимё» акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида касабақўм раиси Б.Эшматов ўтган даврда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, касаба уюшма қўмитасининг тафтиш комиссияси ахбороти тингланди.

Музокарада сўзга чиққанлар касаба уюшмаси фаолиятига қониқарли деб баҳо беришди.

Йиғилишда кун тартибидаги барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, касаба уюшма қўмитаси таркибига 5 нафар аъзо сайланиб, ташкилотнинг келгуси йиллар учун фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

А.ГАЙНАЗАРОВ

***

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар қизғин паллага кирди. Шу кунларда тизимдаги 90 га яқин ташкилотда беш йиллик сарҳисоб бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Бухоро "Мурувват" ногирон болалар учун интернат уйида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида жамоа шартномаси орқали меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди. Жамоа шартномасига кўра, эҳтиёжманд оилалар вакилларидан 113 нафарига моддий ёрдам кўрсатилиб, санаторийларга йўлланмалар берилди. Касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан байрамлар ва муҳим саналарда ходимлар ўртасида турли маънавий-маданий тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш ва иқтидорли ёшларни рағбатлантириш намунали йўлга қўйилган.

Конференцияда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Д.Эргашев, тармоқ Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б.Баҳромовлар касаба уюшма фаолиятини янада юксалтириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳ.ШАРИПОВ,
тармоқ касаба уюшмаси
Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Эътибор

Бугун ҳаётни банклар фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Бу эса мижозларга кўрсатилаётган хизматни давр талабларидан келиб чиққан ҳолда муттасил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Жамоамизда 85 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Пухта ўйлаб тузилган жамоа шартномаси ўзини тўла оқлаётир. Хусусан, меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида яхшигина натижаларга эришилди. Вақти-вақти билан иш берувчи томонидан ёрдам пуллари бериб келинаяпти. Ходимлар фарзандларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан мактаб ўқув қуроллари ва дарслик китоблари харид қилинди.

Шунингдек, жамоадаги ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар 16 нафар ходимга фоизсиз ссуда ҳисобига олиб берилди.

Кексалар дуосини олиш, ҳурмат ва иззатини жойига қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Тизимда меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийларини эъзозлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Ҳеч бир байрам уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Ўтган йили фахрийларимиз ҳамроҳлигида республикамизнинг турли жойларига саёҳатлар уюштирилди. Кексаларни эъзозлаш йилида бу анъана янада кучайди.

Насиба НУРМАТОВА,
"Ўзсаноатқурилишбанк"
Навоий минтақавий филиали
касаба уюшма қўмитаси раиси

Касаба уюшмалари —

Жиззах шаҳрида ўтган йили ишга туширилган "Nozinu kapital servis" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари ички бозорда харидоргир.

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ — КОРХОНА ИШЧИЛАРИ

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилаётган 60 ишчининг саксон фоиздан ортиғи касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир. Айни пайтда бу ерда кўрпа ва ёстиқ жилдлари тикиш, трикотаж мато ишлаб чиқариш ҳамда бўяш линияларини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Суратларда: *(чапдан) ишчилар — Нодира Эргашева, Зуҳра Аҳматова ва Шаҳноза Исматова; ишчи — Ситора Зарипова.*

ЎзА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ
олган суратлар

Меҳнат муҳофазаси

Истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизга мустаҳкам пойдевор қўйилди. Меҳнатга оид муносабатларда ҳам қатъий тамойиллар белгиланди. Бош Қомусимизнинг 37-моддасида: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир," деб мустаҳкамлаб қўйилган.

УНУМДОРЛИК ГАРОВИ



Қонунчилигимизда мавжуд талаблардан келиб чиқиб, меҳнат кишисининг манфаатларини ифодалашни асосий мақсади деб билган касаба уюшма ташкилотлари бу борада тизимли фаолият олиб бормоқда. Вилоятимизда соҳада муайян натижаларга эришилди. Чунончи, ўтган йили жамоа шартномаларига киритилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 35678 та мажбуриятлардан 31045 таси бажарилишига эришилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшмалари тақдим этган маълумотларга кўра, 334 та касаба уюшма қўмиталарининг фаолияти ўрганилиб, шундан 268 таси меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати бўлими ходимлари томонидан амалга оширилган ва унда 1105 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъёрларнинг бузилиши аниқланиб, 727 таси касаба уюшма қўмита органлари аралашуви, 378 таси эса жамоатчи вакиллар иштирокида бартараф этилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга 162 та 752 банддан иборат ёзма тақдимномалар киритилди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилалардан 54 тасига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан "Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни"га бағишланган "Қулай меҳнат шароити — соғлом меҳнат гарови" ва "Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни" мавзусида ҳамкор ташкилотлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги қарори бажарилиши борасида касаба уюшмалари томонидан "Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш" бўйича мониторинглар олиб бориляпти. Иш берувчиларга ходимларни белгиланган муддатларда тиббий кўрик ва иш жойларини шаҳодатлашдан ўтказиш бўйича тушунтириш ишлари мунтазамлилик касб этаётгани айни муддао бўлмоқда.

Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалардан 17 тасида 871 та иш ўрни шаҳодатлашдан ўтказилиб, натижада ходимлардан 349 нафари имтиёзли пенсияга чиқиш, 2211 нафари қўшимча таътил олиш ва 535 нафари сут ва сут маҳсулотларини бепул олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Раҳимжон СОДИҚОВ,
Наманган вилоят касаба
уюшма ташкилотлари
бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза
қилиш бўлими мудири

Давра суҳбати

Сирдарё вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш давлат корхонаси бирлашмасига қарашли корхона ва ташкилотларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

МАҚСАД — САМАРАДОРЛИК

Ечимини кутаётган кўплаб муаммолар тилга олинди, хусусан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Бозорбой Исматов корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси муҳокамасида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишга алоҳида ёндашиш лозимлигига эътибор қаратди. Шунингдек, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларда самарадорликка эришишда касаба уюшма етакчиси ўрни ҳамда масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

И.БЎРИЕВ,
Истеъмол товарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни тармоқнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Абдусамад Қўлдошев олиб борди.

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Йиғилишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Бозорбой Исматов иш жараёнида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш нечоғли долзарб экани, бошланғич ташкилотларда бу борада ишчиларга кенг тушунчалар бериш ҳамиша эътиборда бўлиши лозимлиги ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Бирлашма кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Дилмурод Пирманов соҳада фаолият юритаётган касаба уюшма аъзолари билан тузилажак меҳнат шартномаларининг аҳамияти, жойларда бошланғич ташкилотлар раисларининг жамоа шартномалари ижросини қатъий назорат қилиш, иш берувчи билан ҳамжиҳатликда меҳнаткашларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлаш борасида тавсиялар берди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

Намунали бошланғич ташкилотларда

Қуваликлар учун ҳаётни боғсиз тасаввур этиш қийин. Етиштирилган анор, олма, шафтоли, беҳи, хурмо, гилослар таърифи нафақат юртимизда, балки қўшни давлатларда ҳам донг таратган.

«РОҲАТОЙ»ДА РОҲАТЛАНИБ ИШЛАШАДИ

Эрта кўкламда бу ер кўчатлар маконига айланади. Юк машиналарига ортилган сара ниҳоллар турли ҳудудларга олиб кетилади. Сабаби, кўчатлар бехато кўкариши билан тилга тушган-да!

Қувага яқинлашган сари манзара янада кўрк очади. Йўлнинг ўнг ёқасидаги далалар орасида савлат тўкиб турган дала шийпонига кўзингиз тушади. Ҳар қандай киши бу ерлар "Роҳатой" фермер хўжалигига тегишли эканини айтади.

Миришкор деҳқон, уста тадбиркор Авазбек Тешабоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги 1992 йилда ташкил этилган. Омилкорлик билан иш юритган фермер соҳани ривожлантириш учун озмунча тер тўкмади ва ниҳоят, меҳнат ўз самарасини берди.

Кўп тармоқли фермер хўжалигининг экин майдони 349,01 гектар бўлиб, 54 гектари пахта, 105 гектари ғалла, 86,67 гектари боғдан иборат. Шунингдек, чорва моллари боқилади, балиқчилик ва паррандачилик йўлга қўйилган. Иссиқхона, тутзор ва теракзорлар барпо этилиб, сутни қайта ишлаш цехи ва дурадгорчилик устахонаси ҳам фаолият юритмоқда.

Бугун фермер хўжалигида 45 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Яратилган шароит ва ижтимоий ҳимояни кўриб, ҳавасингиз келади ва қанийди ҳамма фермерлар ҳам шундай саховатпеша бўлса эди, деб ўйлайсиз.

Ўзингиз чамалаб кўринг-а, ўтган йилда давлатга бошоқли дон сотиш режаси ортиғи билан бажарилиб, ишчиларга иш ҳақи ҳисобидан 53,2 тонна буғдой тарқатилди. Эҳтиёжманд ходимларга 7,5 тонна буғдой, фермер хўжалигида меҳнат қилаётган уч нафар ишчига 3 бош қорамол, беш нафарига 5 та қўй моддий ёрдам тариқасида бепул берилди.

— Хўжалигимизда икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилган, шунингдек, сут маҳсулотлари, гўшт ва балиқ бепул тарқатилади, — дейди фермер хўжалиги цех бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Давлатбек Атахонов. — Бултур тумандаги 50- ва 30-мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Дала шийпонимизда барча шароит муҳайё. Шу боис бўлса керак, касаба уюшмамиз агросаноат тизимида энг намунали ташкилотга айланди.

Шийпонда алоҳида касаба уюшма хонаси ажратилган бўлиб, турли кўргазмали стендлар, ўқув қуролларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Касаба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясига доир кўрсатма ва маданий-маърифий қўлланмалар мавжуд.

Хўжаликда ходимлар саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар йили жамоа бўлиб, водийнинг хушманзара жойларида дам олишлар ташкил этилади. Ўтган йил ишчилардан уч нафари республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида мароқли ҳордиқ чиқарди.

— Ҳақиқатан ҳам ҳавас қилгулик шароит, — дейди ҳамроҳим, агросаноат мажмуи ходимлари туман кенгаши ҳисобчиси Абдумухтор ака. — Шу боис ёшлар бу ерда ишлашни орзу қилишади.

Бундан ортиқ баҳонинг ўзи бўлмаса керак.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 5-mart, payshanba, № 30 (3535), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

Етакчи минбари

ФАОЛЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ОМИЛИ БЎЛДИ

— дейди "COSCOM" МЧЖ қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Нусрат ИСҲОҚОВ

— Суҳбатимиз аввалида компания фаолияти, бу ерда ходимларга яратилган шароитлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Маълумки, "Ucell" бренди остида мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи "COSCOM" қўшма корхонаси республикамизда ўзига хос нуфузга эга. Деярли тўққиз миллионлик мижозга эга компания аҳолига, корхона ва ташкилотларга замонавий технологиялар асосида мобил, шунингдек, юқори тезликдаги интернет хизматлари кўрсатиб келади.

Компаниямизда ходимларнинг унумли фаолият кўрсатиши учун барча шароит муҳайё. Ходимлар соғлиғи тиббий суғурталанган. Уларга, шунингдек, имтиёзли равишда алоқа хизматидан, жумладан, интернет хизматидан фойдаланиш имконияти яратилган.

— Ходимлар учун муносиб меҳнат шароитини яратишда компания касаба уюшма қўмитасининг ҳиссаси қай даражада?

— 501 нафар аъзони бирлаштирган касаба уюшма қўмитаси фаолияти ҳам эътиборга молик. Мунтазам олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида компания ходимларининг касабақўмга бўлган ишончи ортиб борди. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам фаолиятимиз эътироф этилди. Биласиз, сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига кўплаб имтиёзлар берилиши туфайли ходимларни ҳимоялашда имкониятларимиз кенгайиб бораяпти. Жумладан, аъзоларни санаторий ва дам олиш уйларига кўпроқ йўлланмалар билан таъминлашга шароит яратилди. Шунингдек, жамоа шартномасига кўра, ходимларга тўй ва юбилейлари munosabati билан моддий ёрдам берилаётир. Ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида компаниянинг тегишли сертификатларига эга мутахассислари томонидан Корпоратив ўқув марказида мунтазам ўқув машғулотлари ўтказилади.

Ҳисобот даврида ходимларнинг оила аъзолари билан Тошкент вилоятидаги дам олиш ҳудудларига саёҳати уюштирилди. Ўтган йил июл-август ойларида "Электормагнит мослашув маркази" ДУКнинг Бўстонлиқ туманидаги дам олиш зонасида мароқли ҳордиқ чиқарилди. Икки юздан ортиқ ходим Самарқанд шаҳрида саёҳатда бўлди.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан бош офис ва Бухоро, Навоий минтақавий офисларига стол тенниси жиҳозлари олиб берилди. Навоий ва Термиз минтақавий офислари ходимларининг ёз ойларида минифутбол билан шуғулланишига шароит яратилди. Умуман олганда, компания ходимлари волейбол, мини футбол ва тоғ алпинизми билан шуғулланиш имкониятига эга. Шунингдек, мунтазам равишда маданий-оммавий тадбирларга, яъни концерт, спектакларга чипталар берилиб, ходимларнинг маданий дам олишлари ташкил қилинди. Бир сўз билан айтганда, фаоллик ва жонкуярлик муваффақиятларимиз омили бўлаётир.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишида асосан нималарга эътибор қаратилди?

— Ошкора ва кўтаринки кайфиятда ўтган йиғилишда ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам тилга олиниб, уларни бартараф этиш, минтақавий офисларда касаба уюшма гуруҳлари ишини янада жонлаштириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди. Жорий йилда меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада кучайтиришга доир тадбирлар ўтказиш, шу орқали аъзоларни янада кўпайтириш каби вазифалар белгилаб олинди.

Эътиборли томони, узоқ йиллик ва самарали меҳнати учун компания мутахассислари Байрам Жумагулов, Вячеслав Смирнов, Файзулло Кунгуров, Мирсобит Сангилов ва Меҳридин Муҳамедов Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Жамоанинг менга яна бир бор ишонч билдирганидан мамнунман. Зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида фаолларимиз билан биргаликда астойдил ҳаракат қиламиз.

P/S: Нусрат Исҳоқов куни кеча 60 ёшга тўлди. Фаол, ташаббускор ва ташкилотчи бу инсон Тошкент Давлат политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)да электрон техника муҳандиси йўналишида таҳсил олган. Талабалик йилларида ҳам фаолтет касабақўм раиси бўлган. 1997 йилда "COSCOM" қўшма корхонасига ишга таклиф этилди. Хорижий компанияда 18 йилдирки, жамоатчилик асосида касаба уюшма қўмитасига раислик қилиб келади.

Ҳилола АБДУМЎМИНОВА суҳбатлашди

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Республикада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва инсофсиз рақобатга қарши амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қўмита раҳбарлари, масъул ходимлари иштирок этди.

ИНСОФСИЗ РАҚОБАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

«Инсофсиз рақобат» тушунчаси 1883 йилдан, яъни саноат мулкини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Париж Конвенцияси қабул қилинганидан бери мавжуд бўлиб, юртимизда бу тушунча 2006 йил Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни кучга кирганидан сўнг қўлланила бошлаган. «Инсофсиз рақобат» сўз бирикмаси кейинги пайтларда тадбиркорлар фаолиятида кўп такрорланадиган бўлиб қолганлиги эса ташвишли ҳолатдир.

Товар белгиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахс номига расмийлаштирилиши мумкин. Юқорида қайд қилинган қонунга кўра, интеллектуал мулк агентлиги товар белгисини экспертизадан ўтказади ва рўйхатга олади. Монополияга қарши орган инсофсиз рақобат ҳолатини қайд этишдан аввал, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро рақобат муносабатлари бор-йўқлигини аниқлаши лозим. Агар улар ўртасида ўзаро рақобатлашиш ҳолатлари аниқланмаса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни талаблари бузилмаган ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида «Рақобат тўғрисида»ги қонунда товар белгисини ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаган тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нормалар назарда тутилган. Хусусан, қонунга асосан юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижалари ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситалари, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуққа эга бўлиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда аввал бозорда маълум бўлган товар белгисини рўйхатга олиш масаласи кўрилади. Бозорларни ўрганиш ва таҳлил қилиш интеллектуал мулк агентлиги ваколатига кирмайди. Агентлик фақат товар белгиларини рўйхатга олиш базасида у ёки бу товар белгиси бор-йўқлигини экспертиза қилади холос. Бундай ҳолатларда монополияга қарши орган маълум товар белгиси рўйхатга олинганидан аввал ишлаб чиқилгани исботланган ҳолдагина, мурожаатни кўриб чиқиши мумкин бўлади. Монополияга қарши органнинг товар белгисига мутлақ ҳуқуқни олиш тўғрисидаги қарори, товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш учун манфаатдор шахс томонидан интеллектуал мулк бўйича ваколатли орган ёки судга тақдим этилади. Шу тарзда тадбиркор ўз товар белгисини инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилади.

Матбуот анжуманида мавзу доирасида атрофлича сўз юритилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА, "Ishonch" мухбири

Гамхўрлик

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ходимларни санаторий-курортларда дам олдириш юзасидан муайян чоралар амалга ошириб келинмоқда.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Буни бултур ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан ходимларни санаторий-курортларда дам олдириш режаси ортиғи билан бажарилганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. 58 дона йўлланма байналмилалчи жангчиларга, кўп болали ва эҳтиёжманд оила аъзоларига, мамлакат равнақига ҳисса қўшган ходимларга бепул берилди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида эҳтиёжманд аёллар, таълим ва тиббиёт ходимлари, фермерлар ҳам шундай имтиёзга эга бўлдилар. Қолаверса, фарзанд кўрмаган 12 нафар ёш оила вакили "Умид гулшани" санаторийсида имтиёзли тарзда соғломлаштирилди.

Эътиборли томони, кейинги йилларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш, янги жиҳозлар билан таъминлаш ишлари натижасида санаторийлар фаолияти тубдан яхшиланмоқда. Бу касаба уюшма аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашда улкан аҳамият касб этмоқда. Шу боис, санаторий-курортларда дам олиш, даволаниш истагини билдираётган юртдошларимиз сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Айниқса, аъзолар фарзандларини соғломлаштиришга масъулият билан ёндашилмоқда. Ўтган йил ёзги мавсумда 4997 нафар ўқувчи соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Отаоналар бадали тўловининг асосий қисми шаҳар, туман ҳокимликлари қошида очилган болалар жамғармалари ҳамда хўжалик ташкилотлари ҳисобига қопланишига эришилди.

Шу кунларда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан нафақадаги касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш тадбирлари белгиланмоқда. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийларининг фикрлари ўрганилмоқда, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутасаддилар билан биргаликда уларнинг саломатлиги назоратдан ўтказилмоқда.

Озод ИСМОИЛОВ, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

ҚЎЛИГУЛ ГИЛАМДЎЗЛАР

Мамлакатимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, турли соҳаларда юксак натижаларни қўлга киритаётган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Тошкент вилояти Паркент туманида яшовчи Зулхумор Эрматова улардан бири.

Уй шароитида гиламдўзлик фаолиятини йўлга қўйган тадбиркор ўз оиласи бюджетига фойда келтириш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ишни дастлаб "Устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳудуддаги хотин-қизларга гиламдўзлик санъатини ўргатишдан бошлаган Зулхумор кейинчалик шогирдларини касаначилик ишларига жалб қилди. Ҳозирда 40 дан зиёд хотин-қиз билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар тўқиётган бежирим гиламлар ички бозорда харидоргир.

Суратда: *Зулхумор Эрматова шогирди Гулмира Ўктамова билан.*

ЎзА фотомухбири Оқил ҒУЛОМОВ олган сурат

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Андижон филиали касаба уюшма қўмитаси йиғилишида ягона жамоа шартномасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Бу ҳақда бошланғич ташкилот раиси Моҳирбек Мусаевнинг ахбороти тингланди.

МУНОСИБ БАҲО

Бу даврда филиал ишчи-ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун соғлом ва бехатар меҳнат шароити яратиб берилишига эришиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил этиш соҳаларида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Эътиборлиси, 2012-2014 йилларга мўлжалланган ягона жамоа шартномаси қайта кўриб чиқилиб, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси директорлар Кенгаши ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган ягона жамоа шартномаси имзоланди.

Хусусан, меҳнат шароитлари зарарли, ноқулай ишларда банд бўлган ходимларнинг қўшимча кафолатларини белгилаш мақсадида иш жойларини кўрсатилган муддатларда шаҳодатлаб бориш, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юртларини тамомлаб, уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилар учун дастлабки синов белгиланмаслиги, ёш мутахассислар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинганида, бу ҳақда маҳаллий меҳнат органларини хабардор қилиш сингари қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шубҳасиз, ушбу жиҳатлар иш берувчи ва касаба уюшмаси масъулиятини янада оширади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар филиал фаолиятида эришилаётган ютуқлар, энг аввало, ходимларга яратилаётган шарт-шароит, инсон омилига эътибор натижаси эканини қайд этишди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ҳамидулло Матисаев мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Нурилло НЎЪМОНОВ, "Ishonch" мухбири

Бор бўл, оқибат!

Касби тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан, нафақат Қашқадарё вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам ўз ўрнига эга. Туманимизда ҳар йили 60 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси, 50 минг тоннага яқин дон етиштирилмоқда.

ҲОМИЙЛАР ҲИСОБИДАН

Сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчилик соҳаларини ривожлантириш, тармоққа кичик ва ўрта бизнесни олиб кириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бугун ўз самарасини бераётир. Дастурхонимиз мўл-кўлчилигига ҳисса қўшаётган деҳқонлар, механизатор ва фермерларимизни ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида турли кўрик-танловлар ўтказиш доимий эътиборимизда.

Кексаларни эъзозлаш йилида туманда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, байрамлар арафасида тажрибали пахтакор, ғаллакор ва соҳибкорларнинг ёшлар вакиллари билан учрашувларини ташкил этиш режалаштирилган. Соҳада меҳнат қилаётганлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жойларда маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш янада кенг кўламда амалга оширилади.

Бугун жамоа шартномаларида ходимларга пенсияга чиқиши муносабати билан бир марталик моддий ёрдам бериш, ёлғиз кекса, ногирон ва меҳнат фахрийларини соғломлаштириш, кўп йиллик хизматлар учун устамалар жорий этиш, кекса авлод вакилларининг тарихий шаҳарларга саёҳатини ташкил этиш каби бандлар мавжуд.

Туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда ўтган хўжалик йилини самарали якунлаган 12 нафар касаба уюшма аъзоси жорий йил бошида "Турон", "Чинобод", "Чортоқ", "Ботаника", "Бўстон", "Чимён", "Қашқадарё соҳили" каби санаторийларда саломатлини тиклашди. Март ойида "Нуроний" жамғармаси туман кенгаши билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшган бир гуруҳ кексалар, фермер хўжаликлари аъзоларининг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳати уюштирилиши режалаштирилган.

Фермер хўжаликлари ишчиларига ҳомийлар ҳисобидан санаторийларга бепул йўлланмалар ташкил этиш, жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчиларни иш берувчи ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш каби тадбирлар яхши анъанага айланган бўлиб, бундан буён ҳам мана шу каби хайрли ишлар давом эттирилади.

Ботир ИСЛОМОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Касби туман кенгаши раиси

Жиззах вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати "Лалми майдонларда ташкил этиладиган интенсив боғдорчилик, узумчилик хўжаликлари ҳамда уларнинг истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдукарим Холматовнинг амалга оширилаётган ишлар юзасидан маърузаси тингланди.

ЛАЛМИ ЕРЛАРДА ИНТЕНСИВ БОҒЛАР

Таъкидландики, воҳада жами 483 минг гектар экин майдони бўлиб, шундан 221 минг гектари лалми ерлардан иборат. Ҳудудда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони йил сайин ортиб бораётир. Масалан, 2010 йил 8804 гектар боғ ва 4256 гектар токзорлардан 56,3 минг тонна мева, 22,7 минг тонна узум йиғиштириб олинган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич кескин ортди. Боғ ва токзорлар учун ажратилган ер майдонлари кенгайиб, 13764 гектарда боғ, 4536 гектарда токзорлар барпо этилди. 82 минг тонна мева, 28,5 минг тонна узум маҳсулотлари етиштирилди.

Интенсив технологияли пакана ва ярим пакана мевали боғларнинг афзалликлари яна бир карра эътироф этилди. Кўчатларнинг кейинги йилданоқ ҳосилга кириб, гектаридан 20 тонна, учинчи йилга келиб қирқ, бешинчи йили 60-80 тоннагача ҳосил бериши тилга олинди.

Бахмал туманидаги "Ойқор" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги "Агронатурал-инвест" МЧЖ томонидан 2010 йил ўн гектар майдонга Туркия ва Италиядан келтирилган 25 минг дона олма кўчати 4х1 схемада экилди. Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликдаги бу иқлим шароити пакана навли дарахт кўчатларига жуда мос келиб, барқ уриб ривожланди. Лойиҳа қиймати 575 минг АҚШ долларига тенг мазкур тадбиркорлик фаолияти ўзини тўлиқ оқлай бошлади.

Йил сайин вилоятда интенсив боғ майдонлари ортиб бораяпти. 2011 йил Сербиядан келтирилган 157,4 минг дона кўчат 118,2 гектар майдонга экилган бўлса, ўтган йилда 327 гектар майдонга 341 минг туп кўчат ўтказилди.

Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш ва Янгиобод туманларида қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштирилишини оптималлаштириш натижасида ғалла майдонлари қисқартирилиб, 1588 гектарда маҳаллий, 152 гектарда интенсив боғ, 1519 гектарда токзорлар барпо этилмоқда.

Вилоятда бугунга келиб, 3100 гектарда маҳаллий боғ, 763 гектарда пакана ва ярим пакана интенсив боғлар, шунингдек, 3107 гектарда токзорлар барпо этилди. Янги боғ ва токзорлар туфайли 6090 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ғаллаорол туман ҳокими Азим Тилабовнинг лалми ҳудудларда ташкил этиладиган интенсив боғдорчилик ҳамда узумчилик хўжаликларининг бугуни ва истиқболи ҳақидаги сўзлари катта қизиқиш уйғотди.

Абдуманнон АЗИМОВ, "Ishonch" мухбири

2015-yil 5-mart, payshanba, № 30 (3535), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▼Оммавийликдан маҳорат сари

САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ

Қарши шаҳридаги "Насаф" спорт мажмуасида "Спорт — саломатлик гарови" шиори остидаги мусобақанинг вилоят босқичи қизғин беллашувларга бойлиги билан эсда қоладиган бўлди. 234 нафар ҳаваскор ўз маҳоратини синовдан ўтказиб олди.

Айниқса, волейбол баҳсларида ғолибни аниқлаш учун кескин кураш борди. Якунда Муборак тумани хотин-қизлари биринчи, Косон тумани жамоаси иккинчи, деҳқонободликлар эса учинчи ўриндан жой эгаллади.

Стол тенниси баҳсида эркаклар ўртасида китоблик Сиёвуш Қосимов ва аёллар ўртасида деҳқонободлик Мадина Тиловова зафар қучди. Шахмат беллашувларида Эрали Исломов (Яккабоғ) ҳамда Дилором Холмўминова (Косон)нинг қўли баланд келди. Шашкачилар орасида Қарши тумани вакиллари Ўктам Гелдиев ва Дилсора Бердиевага омад кулиб боқди.

Бадминтон мусобақаларида эса Ҳамза Ҳасанов (Қарши тумани) ҳамда Нигора Соибова (Шаҳрисабз) бош мукофот соҳиби бўлди. Сузиш беллашувларида вилоят маркази шарафини ҳимоя қилган Нуриддин Бойқаев ва Наргиза Нуриддинова бошқаларга қараганда тезкорлик кўрсатишди.

Шунингдек, қамашилик Сулаймон Эштўхтаров "Энг ёши улуғ спортчи", Яккабоғ туманидан Моҳира Ортиқова "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", Бекмирза Раҳмонов (Қарши шаҳри) "Ғалабага бўлган интилиши учун", Дилрабо Эргашева "Энг ёш иштирокчи" номинацияларида афзалликка эга бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Яқинда туғруқ таътилидан қайтдим, — деди стол тенниси бўйича мусобақа иштирокчиси, Шаҳрисабздаги 102-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳноза Исматова. — Рости, стол тенниси ўйнай бошлаганим менга фойда келтирди. Шижоатим ошди, ишга бўлган чанқоқлигим ҳам юқори. Уйда пайтим, кўриш қобилиятим сал ёмонлашгандек эди. Айни пайтда кўзим равшанлашган. Шунинг учун барча уй бекаларига стол тенниси билан шуғулланишни тавсия қиламан. Жароҳат олиш хавфи кам, ортиқча жисмоний куч талаб қилмайди, танани тетиклаштириб, кишини яшартиради.

— Мусобақада шахмат тури бўйича қатнашдим. Бунинг сабаби бор, албатта, — деди чироқчилик Қулмамат Мансуров. — Ҳудудда Нодира Нодиржонова, Сарвиноз Эргашева каби чемпионларнинг издошлари кўп. Шунингдек, ҳаваскорлар орасида ҳам кучли дона сурадиганлар бисёр.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

Спартакиада Навоий кон-металлургия комбинатининг "Делфин" сузиш ҳавзасида, Кармана туманидаги 2-умумтаълим мактабида (бадминтон) ва марказий спорт мажмуасида (шашка, шахмат, валейбол ва стол тенниси) ўтказилди.

Олтита спорт тури бўйича вилоят босқичи беллашувларида 150 нафар спортчи ўзаро куч синашди. Биринчиликни қўлга киритган 16 нафар спортчи Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган якуний босқичга йўлланма олди.

Ф. МАРДИЕВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

***

Юртимизнинг барча ҳудудларида уюшқоқлик билан ўтказилаётган 4 босқичли спартакиаданинг барча босқичлари Наманган вилоятида ҳам юксак ташкилотчилик ва ғалабага бўлган чексиз интилиш руҳи билан уюштирилди.

Мазкур спорт тадбирининг биринчи босқичида корхона, ташкилот ва муассасалардан 2000 нафардан зиёд меҳнаткаш иштирок этган бўлса, тармоқлараро туман ва шаҳар миқёсида 790 нафар ходим қатнашди. Вилоят босқичида эса 200 иштирокчи ғалабага бўлган интилишини синовдан ўтказди.

Бадминтон бўйича Наманган шаҳридаги 49-мактаб ўқитувчиси Ғуломжон Ашуров ҳамда Уйчи спорт коллежи ўқитувчиси Наргиза Мамажанова, сузиш бўйича Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси спорт йўриқчиси Игор Ғаффоров ҳамда мазкур корхона ходими Асида Набиулина, стол тенниси бўйича Чуст туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Зокир Олимов ҳамда шу тумандаги 7-мактаб ўқитувчиси Назира Абдуллаева, шахмат бўйича Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ходими Жаҳонгир Раҳимов ҳамда Янгиқўрғон туманидаги 57-мактаб ўқитувчиси Маҳмуда Маматова, шашка бўйича Уйчи спорт коллежи ўқитувчиси Сирожиддин Абдураимов ҳамда Наманган туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси Саида Соҳибова ғолибликни қўлга киритиб, навбатдаги босқич йўлланмасига эга бўлишди. Волейбол бўйича кечган муросасиз баҳсларда янгиқўрғонлик қизлар ғалаба нашидасини суришди.

— Бугунги мусобақанинг сузиш турида кучли учликдан жой эгаллаганимдан мамнунман, — дейди Норин туманидаги 42-мактаб ходими Осиёхон Шералиева. — Тўғриси, кучли тайёргарлик менга ёрдам берди. Бу, албатта, спортсеварлик натижасидир. Эллик бешга қадам қўяётган бўлсам ҳам, спорт билан шуғулланишни бирор кун канда қилмайман. Ёлғиз ўғлим Музаффар ҳам мени қўллайди. У таэквондо бўйича Осиё чемпиони. Айни пайтда Чирчиқ шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётир. Бугунги баҳслар натижасини кузатсангиз, доимий равишда ўз устида ишлаганлар ғолиб бўлганини кўришингиз мумкин. Демакки, спортсеварлар ҳаётда соғлом ва ҳамиша ғолиб бўлишади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

***

2014 йилда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги касаба уюшма қўмиталари томонидан 2000 дан зиёд спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларга 100 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси жалб қилинди.

Спартакиаданинг биринчи босқичи 800 га яқин бошланғич ташкилотда ўтказилиб, унда 21 мингдан зиёд аъзо иштирок этганлиги, меҳнаткашларнинг спортга қизиқиши ошиб бораётганлигидан далолатдир. Иккинчи босқичда эса 1000 га яқин спортсевар фаол иштирок этди. Вилоят босқичида 176 нафар ходим жам бўлди.

Спортнинг шахмат тури бўйича эркаклар ўртасида Хива туманидаги академик лицей ўқитувчиси Баҳром Раҳматуллаев, аёллар ўртасида Гурлан туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Насиба Холбоева, шашкада эркаклар ўртасида "Урганч ёғ-мой" АЖ ишчиси Маримбой Ражапов, аёллар ўртасида Хонқа туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси Рамажон Сапаева, бадминтон баҳсларида эркаклар ўртасида Урганч шаҳридан 9-мактаб ўқитувчиси Азамат Аржанов, аёллар ўртасида Хива туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Камола Деванова, сузиш бўйича эркаклар ўртасида Шовот туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси Умид Атажанов, аёллар ўртасида Урганч шаҳридаги 5-мактаб-интернат ўқитувчиси Шоира Каримова, стол теннисида эркаклар ўртасида Гурлан туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Шуҳрат Ҳусаинов, аёллар ўртасида Янгиариқ туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Кумуш Эрназарова биринчи ўринни эгаллади. Волейбол бўйича эса Урганч туман жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Спартакиада ғолиблари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Қаҳрамон МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Ватан олдидаги шарафли бурчни ўташ ҳар бир йигитнинг орзуси, — дейди наманганлик Азизбек Тўлқинов. — Ҳар томонлама чиниққан, жисмонан соғлом, маънан етук инсон бўлиб камолга етишимда ҳарбий хизмат катта ёрдам берди. Берилган имтиёзли тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишимда қўл келишига ишонаман.

* * *

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси, сенатор И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Т.Тешабоев, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи Ш.Икромов ҳамда 150 нафардан зиёд офицер, сержант ва ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Тадбирда ҳарбий хизматни намунали ўтаган 57 нафар ҳарбий хизматчига тавсиянома ҳамда Федерация Кенгаши томонидан 7 нафар ҳарбий хизматчига қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир эл севган санъаткорлар ва бадиий жамоаларнинг концерт дастурига уланиб кетди.

* * *

Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш тадбирлари юксак савияда ташкил этилаётир. Жумладан, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўтказилган тадбирда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Т.Тешабоев, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси С.Аҳмедов, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Э.Тоштемиров, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари қатнашди.

Тадбирда ҳарбий хизматга кетаётган 82 нафар йигитга Федерация Кенгаши томонидан хизмат даврида керак бўладиган маиший тўпламлар тақдим этилди.

Сардор ЯКУБОВ,
ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

▼Бизда таклиф бор

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат» эканлиги белгилаб қўйилган.

ЁШЛАР ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

Шундан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида салмоқли қадамлар қўйилди. Келажак авлодга — ёш мутахассис кадрларга кенг имкониятлар яратилди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эса, фаолиятни янада юқори поғоналарга кўтаришни тақозо этади.

Европа давлатларининг аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга доир фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, кўпгина муаммолар тўпланиб қолганлигини кўрамиз. Масалан, (оммавий ахборот воситаларида чоп этилган Италия миллий статистика институти (18ТАТ) маълумотларига кўра) Италияда ҳозир ишсизлик даражаси 13,4 фоизга етган бўлиб, бундай салбий кўрсаткич 1977 йилдан буён қайд этилмаган. Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи катта ташвиш туғдирмоқда, яъни уларнинг 43,9 фоизи ишсиздир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV боб, 2-параграфи «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» деб номланиб, 239-247¹-моддаларини қамраб олади ва мазкур моддалар вояга етмаган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бундан ташқари, ёшлар ва вояга етмаганларни иш билан банд этиш масаласи бошқа қонун ҳамда қонун ости ҳужжатларида ҳам белгиланган. Шунингдек, Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда сўзлаган маърузаси мазмун-моҳияти коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаётган корхона, ташкилотларни қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Демак, бу борада мавжуд муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 158-моддаси 6-банди 2-хатбошиси матнидаги «Ишловчилар умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар...» сўзидан кейин «коллеж битирувчилари», деган сўзлар билан тўлдирилса, бу ўз навбатида, иш берувчиларнинг манфаатларини рағбатлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш учун қўшимча имкониятлар беради.

А.НИЁЗОВ,
Ўзбекистон ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси бошлиғи, подполковник.
В.УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 7 апрел куни соат 11:00 да Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ валютага оид жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Бухоро вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга бошқарма ҳисобидаги Бошланғич баҳоси 2 500 000 сўм бўлган 2003 йилда и/ч давлат рақами 80/348 ААА бўлган ВАЗ-2107 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

1. "Фарғона вилояти Бағдод туманидаги "Бағдод" насос станциясини реконструкция қилиш ишлари"

Бошланғич нархи: **9 342 628 750 сўм ҚҚС сиз; 11 211 154 500 сўм ҚҚС билан;**

Муддати — 23 ой.

2."Фарғона вилояти Қува туманидаги "Қува-1" насос станциясини реконструкция қилиш ишлари"

Бошланғич нархи: **5 268 845 365 сўм ҚҚС сиз; 6 322 614 438 сўм ҚҚС билан;**

Муддати — 20 ой.

3."Фарғона вилояти Қува туманидаги "Шарқий-Арсиф" насос станциясини реконструкция қилиш ишлари".

Бошланғич нархи: **4 102 704 697 сўм ҚҚС сиз; 4 923 245 636 сўм ҚҚС билан;**

Муддати — 20 ой.

Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: 22-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзил: *Фарғона шаҳар Алфарғоний кўчаси 92 уй, тел.(373) 244-70-85.244-27-50*

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32. (+99898) 276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Buxoro filiali очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Ғиждувон туман ҳокимининг 2015 йил 7 февралдаги 102-сонли қарори ҳамда Ғиждувон туман ҳокими биринчи ўринбосарининг 2015 йил 28 февралдаги 2/158-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Ғиждувон туман Сардор маҳалла фуқаролар йиғини Алпомиш кўчаси ҳудудидан видео, аудио телекоммуникация маркази биноси қуриш учун майдони 300,0 кв.метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал бошланғич қиймати — 224 065 (Икки юз йигирма тўрт минг олтмиш беш) сўм.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 6 апрел куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Ғиждувон туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 7 апрел куни соат 11:00 дан бошлаб очилади ва талабгорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатда танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар диққатига!

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишув имзоланганидан сўнг талабгорлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан икки нусхада тақдим этадилар. Юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг нусхаси; Жисмоний шахслар: - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда белгиланган тартибдаги расмийлаштирилган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ҳамда танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳаққининг бир баробари миқдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун тўловларни тузиладиган шартномага ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг ХХТУТ: 83400, СТИР: 207186573, МФО: 00115, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки БВМФдаги 20208000500234536002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Буюртманомани қабул қилиш, танлов ҳужжатини олиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Танлов ташкилотчиси» — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Buxoro filiali.

Манзили: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия: RR 0170. Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: (0-365) 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 13 январдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати:

№	КОРХОНА НОМИ	МАКОМИ	Хўжалик судининг қарори	
			рақами	санаси
1	XADICHABONU OMAD SAVDO	Хк	10-1503/849	11.02.2015
2	ALISHER-TIBBIYOT	Мчж	10-1503/848	11.02.2015
3	INTERNATIONAL BUSINESS GROUP	мчж	10-1503/852	11.02.2015
4	BOHODIR TRANS SERVIS	хк	10-1503/851	11.02.2015
5	ABROR-USTAZODA	мчж	10-1503/830	11.02.2015
6	SHUKUROV BUSINESS	мчж	10-1503/831	11.02.2015
7	ORIENT GRAND PROFI	мчж	10-1503/850	11.02.2015
8	ANVAR KAPITAL SAVDO	мчж	10-1503/832	11.02.2015
9	PAPER WORK	хк	10-1503/834	11.02.2015
10	INTEGRATION BUSINESS	мчж	10-1503/846	11.02.2015
11	FOTON PLAST GROUP	мчж	10-1503/835	11.02.2015
12	ABROR NET UNIVERSAL	мчж	10-1503/837	11.02.2015
13	TIMUR-R D.D.	Хк	10-1503/839	11.02.2015
14	SARVAR OMAD BARAKA	хк	10-1503/840	11.02.2015
15	GOLDEN WELL GROUP	шк	10-1503/827	11.02.2015
16	GRAND BUILDING TRADE	мчж	10-1503/828	11.02.2015
17	BEAUTY ART	мчж	10-1503/829	11.02.2015
18	AL-SAID FAYZ REAL	мчж	10-1503/833	11.02.2015
19	AQUADOR SERVIS	мчж	10-1503/836	11.02.2015
20	ABDULAZIZ NUR OMAD	мчж	10-1503/838	11.02.2015
21	MEGA BUILDING SERVICE	мчж	10-1503/841	11.02.2015
22	MEZON MEDIA	мчж	10-1503/842	11.02.2015
23	KARAKUL WOOL EXPO	мчж	10-1503/843	11.02.2015
24	MAX GRAND UNIVERSAL	мчж	10-1503/844	11.02.2015
25	ABDUSAMAD TRANS	мчж	10-1503/845	11.02.2015
26	COLLESSEO-STAR	хк	10-1503/847	11.02.2015

Тошкент шаҳар Хўжалик Судининг қарорига асосан тугатилаётган корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхонанинг дебитор ва кредиторларнинг даъволари икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳри Ҳамза тумани ҳокимияти 32-34-хона, Фарғона йўли 21-уй манзилгоҳи бўйича қабул қилинади.

2015-yil 5-mart, payshanba, № 30 (3535), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚЎЛЛАР

Яратгандан юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўрайди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Буни қарангки, дуо бериб ғолибни мукофотлаган боболар ҳам шу куни болага айланиб, неваралари билан «чиллик», «ошиқ» ўйнайди. Қизиғи, невара чиллик урса, саксон ёшли нуроний уни олиб келгани лўккиллаб югуради. Ошиқ ўйнаб фарзандларига ютқазаётган боболарнинг: «Биз-ку умримиз давомида гоҳ ғолиб, гоҳида мағлуб бўлиб ўтдик. Ҳой, сизлар ҳеч қачон мағлуб бўлманглар!», деган тилагида ҳам эзгу ният, ҳам талаб балқиб туради.

Жажжи болакайни варраги тортиб кетади. Болаларнинг шодон ҳайқириғидан эл кўзи мусаффо осмонга қадалади. Осмон тўла варрак, йўқ варрак эмас — орзулар, умидлар, эзгу ниятлар!

Чиллик ўйнаган боболар чанқайди. Кўпкари чопган «чавандоз»нинг қорни очади. Варраги кўкка парвоз этаётган болакай онасини турткилай бошлайди... Кимдир: «Йилоши пишдими? Пешин бўлди-ку!», дея овоз беради.



Таом дастурхонга тортиладиган чоғда бутун қишлоқ — момолардан тортиб келинларга қадар, бўйқизлардан то азадорларгача шу ерга жам бўлади. «Ош каттадан, сув кичикдан», деганларидай таом ёши улуғлардан бошлаб болакайларгача тарқатилади. Тамадди қилганлардан бирортаси ҳам қишлоқ имоми Султонмурод махсум, азиз авлиёлар ва аждодларининг руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилиб, «Қишлоқ аҳлига аҳил-иноқлик, инсофу диёнат, сиҳат-саломатлик, юрт тинчлиги-ю тўкинлигини, бу йилги деҳқончилиги-ю чорвасига, жамийки ҳосилига қут-барака» сўрамагунча жойидан жилмайди.

Бу одатдаги бир эҳсон оши эмас, балки азал-азалдан кўкламни уйғониш, оламнинг янгиланиш ва яшариш, табиатнинг қайта туғилиш чоғи, ҳаётнинг янги бир мавсуми бошланиш палласи деб билган элнинг анъанаси. Шунинг учун фарзанд-талаб киши ҳам, бемор ҳам, бирор эзгу ишни бошлаётган тадбиркору ишбилармон ҳам, зурриётларининг иқболидан умидвор ота ҳам бундай фурсатни қўлдан чиқармай, эл дуосини олишга шошилади.

Қишлоқ оқсоқоли Маҳмуд ака ташаббусни бой бермасдан элни кенгашга чақиради: «Эй аҳли Изиллоқ, бугун бир неча масалани кенгашиб олишимиз зарур. Сизларга, аввало, қишлоқ фаоллари, имоми, мактаб маъмурияти ва фермерларнинг айтар сўзи, талаб ва истаги бор. Қишлоғимизга экинларни суғоришга келадиган сув уч қишлоқдан ўтади. Буни барчангиз биласиз. Аммо шу ариқни қазиш ва тозалаш ишларида ҳамма баробар қатнашмади. Ўзини орқага тортиб турганлар, бир кун вақт ажратмаган кишилар ҳам эртага шу ариқдан сув ичади. Бу уят!»

— Ҳашарга чақирдим, — деб гап бошлайди Турсунпўлат полвон. — Ўтган йили тоғдан сув келгани йўқ, ҳашарда нима қиламан, деганлар ҳам орамизда бор. Шукрки, бу йил қиш яхши келди. Худо хоҳласа, сувимиз мўл, экинларимиз серҳосил бўлади. Аввало, ниятни яхши қилиб, эл юмушидан қочмай қатнашиш керак.

Оқсоқол яна сўз олади:

— Қувондиқ укамиз орамиздан ёш кетди. Ўғли Ёдгорбек ҳали мактабга чиққани йўқ. Унинг оиласига маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ёрдам кўрсатилаяпти. Биз-чи? Биз нима ёрдам қила олдик? Ёш ўсмир йигитлардан талабим — унинг томорқасини суғоришга, даладан молига емхашак олиб келишга ёрдам қилинг!

—Тўғри таъкидладингиз, оқсоқол! Мана, Қулмирза укамиз ҳам икки йилдирки, хорижда. Болалари ёш. Келин томорқасига полиз етиштиролмай, ўт экиб қўйган. Помидор, бодрингдан тортиб сабзи, пиёзни ҳам шаҳарликлардай бозордан сотиб олади. Негаки, шу экинларни томорқасига экса, моли ёзнинг кунида оч қолади. Биз бўлсак, Қулмирзанинг аёли, болалари бир кунлик чўпонлик навбатини ўтказа олмаслиги сабаб, уларни навбатга қўшмаганмиз. Унинг молини кўплашиб боқсак, рўзғорининг бутлигига, дастурхонининг тўкислигига ҳисса қўшган бўламиз. Тўй қилса, яхши кунларни нишонласа, шу элга беради, — деб сўзига якун ясади Ҳошимхон.

— Яхши эслатдингиз, Ҳошимхон. Шу тўйларимиз тўғрисида гапим бор эди, — дея давом этади Султонмурод махсум. — Ўтган йили қишлоқда бир-биридан чиройли, тартибли тўйлар қаторида дабдабабозликка берилиш ҳолатлари, кимўзарга, мен сендан камми қабилида тўй ўтказишлар, ичкиликни ҳаддан зиёда, ҳатто ёшлар олдига ҳам қўйишлар бўлди. Бу билан ўз фарзандларимизни, ортимиздан қоладиганларимизни ичкиликка, унинг ортида турган ахлоқсизликкаундамаяпмиз, деб қани ким айта олади? Бу йилги тўйларимизда бундай ҳолатларга асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу, аввало, тўй ўтказадиган кишининг фойдаси. Ундан сўнг шу элнинг.

— Одам саломатлигига тамаки ва спиртли ичимликларнинг салбий таъсир кўрсатиши азалдан маълум. Ёш авлодни бу иллатдан холи қилиш учун соғлом турмуш тарзига эришиш лозим. Бунинг учун мактаб ва коллеж ўқувчиларини дарсдан бўш пайтларида спортнинг оммавий турларига жалб этсак, маъқул бўларди, — деди Камолиддин муаллим.

Шу тариқа бир неча маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қишлоқдошлар кенгашиб олишди. Бундан кейинги йилбошиларда фермер хўжаликлари раҳбарлари қаторида, қишлоқ врачлик пункти шифокори, туман электр таъминоти бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакилларини ҳам жалб этиш, пировардида эл фаровонлиги, тотувлиги, оилалар мустаҳкамлиги, навқирон авлод вакиллари орасида соғлом турмуш тарзининг қарор топишига замин яратиш борасида қишлоқ фаоллари, нуронийлар томонидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди, режалар кенгашиб олинди.

Доно халқимизнинг «Эр йигитни эл қўллайди», «Кўпнинг дуоси Хизрнинг назарича бор», деган нақллари, балки шундай шукуҳли кунлар сабаб айтилгандир. Яккабоғ тумани «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида аҳил-иноқлик билан бир-бирига маслакдош, ҳамфикр, суянч ва таянч, қавму қариндош бўлиб келаётган Изиллоқ аҳлининг йилбошисига ҳавас қилган Толмас тегирмончи лолазорликларни йилбоши ўтказишга, ўз эли билан йил давомида қилинадиган эзгу амаллар хусусида кенгашишга ундади.

Нурилла ЧОРИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон туман кенгаши

Таълим соҳасида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизни, юртимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан самимий қутлайди!

Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файз-барака тилайди.

«Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси маъмурияти ва НКМК ходимлари касаба уюшмаси

Баҳор ва нафосат айёми 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан мунис ва меҳрибон онахонларимиз, лобар опа-сингилларимизни чин дилдан муборакбод этади.

Юзингиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин, азиз аёллар!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол туман кенгаши

Меҳридарё онахонлар, азиз опа-сингилларимизни 8 МАРТ — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди.



2015-yil 5-mart, payshanba, № 30 (3535), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Авиаходимлар касаба уюшмаси Республика кенгаши

Муҳтарама онахонлар, дилбар опа-сингилларимизни гўзаллик ва нафосат байрами

8 март –

Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Мухтарама аёлларимизни, тиббиёт сохасида мехнат килаётган азиз опа-сингилларимизни **8 МАРТ** – *Халкаро хотин-кизлар куни билан мубораклаб этади.*

Мустаҳкам соғлик, толе ва омад доимий ҳамроҳингизга айлансин!

«Оқ-тош санаторийси» МЧЖ жамоаси

Мамлакатимиз хотин-қизларини **8 март** *байрами билан чин дилдан табриклайди.*

Нафосат ва гўзаллик айёмингиз муборак бўлсин, муҳтарам онахонлар, мунис опа-сингиллар!

«Чимён санаторийси» МЧЖ жамоаси

Барча хотин-қизларни яқинлашиб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми –

8 март

билан қизғин табриклайди.

Ушбу қутлуғ кунларда уларга сиҳат-саломатлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

Барча опа-сингилларимизни мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф этамиз.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Temur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:50
Topshirildi — 23:30

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 315 | 20844 nusxada bosildi | 1 2 3 5 6